XALQ DEPUTATLARI ZAFAROBOD TUMAN KENGASHI QARORI

2022 - yil 30 - dekabr VI-54-193-3-50-K/22 Zafarobod tuman hokimligi

Туманда юридик ва жисмоний шахсларнинг эгалигида бўлган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича 2023 йилда базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-, 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан туманда юридик ва жисмоний шахсларнинг эгалигида бўлган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича 2023 йилда базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни тасдиқлаш тўғрисида киритилган таклифлари маъқуллансин.

2. Туманда қишлоқ хўжалигига мўлажалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар 1-иловага, жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.метр учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бунда, халқ депутатлари туман Кенгаши юқорида 1 ва 2-иловалар билан белгиланган солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Адилов), туман ҳокимлиги молия бўлими (А.Дўстназаров), туман солиқ инспекцияси (А.Исломов)ларга 2023 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор “Зафар йўлидан” газетасида расман эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг zafarobod.jizzax.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари в.в.б Ж.Адилов зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ў.Рахманов**

Xalq deputatlari Zafarobod tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-54-193-3-50-K/22-son qaroriga
1-ilova

Қишлоқ хўжалигига мўлажалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар

Т/Р	Ҳудудлар	Коефицент (0,7 дан 3,0 гача)	Ер солиғининг ставкаси 2023 йил учун (млн.сўмда)
1	Бўстон МФЙ	0,85	24,21
2	Самарқанд МФЙ	0,85	24,21
3	Узун ҚФЙ	0,80	22,78
4	Бирлик ҚФЙ	0,80	22,78
5	Ёрқин ШФЙ	0,80	22,78
6	Нурафшон ШФЙ	0,75	21,36
7	Писталикент ШФЙ	0,75	21,36
8	Лолазор ҚФЙ	0,70	19,94
9	Чимқўрғон ҚФЙ	0,70	19,94
10	Чўлигулистон ҚФЙ	0,70	19,94

Xalq deputatlari Zafarobod tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-54-193-3-50-K/22-son qaroriga
2-ilova

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.метр учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар

Т/Р	Ҳудудлар	Коефицент (0,7 дан 3,0 гача)	Ер солиғининг ставкаси 2023 йил учун (сўмда)
1	Бўстон МФЙ	0,84	242,64
2	Самарқанд МФЙ	0,84	242,64
3	Узун ҚФЙ	0,77	222,42
4	Бирлик ҚФЙ	0,79	228,20
5	Ёрқин ШФЙ	0,79	228,20
6	Нурафшон ШФЙ	0,74	213,76
7	Писталикент ШФЙ	0,74	213,76
8	Лолазор ҚФЙ	0,69	199,31
9	Чимқўрғон ҚФЙ	0,70	202,2
10	Чўлигулистон ҚФЙ	0,70	202,2